

Муносиб эътироф



09:00 / 29.06.2023 1105

Қурбон Ҳайити арафасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари идораси раислари, марҳум муфтийлар Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини Имом Бухорий номидаги орден билан мукофотлаш тўғрисида Давлатимиз Раҳбарининг Фармони эълон қилинди.

Фармонда қайд этилганидек, ҳар икки халқимизнинг муносиб фарзандининг миллатимиз ва динимиз олдидаги хизматлари жуда катта. Айти пайтда исломий илми ривожлантириш, диннинг асл моҳиятини жамият аъзоларига етказиб бериш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда ҳам марҳум муфтийларимизнинг хизматлари катта.

1981 йилда Швейцария делегацияси билан марҳум Зиёвуддинхон ҳазратларининг қабулларида бўлганман. Суҳбат жараёнида муфтий ҳазратлари таржимани ўзбек тилига ва ўзбек тилидан қилаётганимдан ниҳоятда хурсанд бўлгандилар (Ўша пайтлари айниқса Европа тилларидан ва тилларига таржима рус тили орқали асосан амалга оширилди). Ўша йили яна икки марта у кишининг қабулларида бўлдим ва дуоларига мушарраф бўлганимдан Аллоҳга шукурлар айтаман.

Мархум Шайх ҳазратлари билан эса кўп марта ҳам суҳбат бўлиш, жуда кўп масалаларда маслаҳатларини олиш тақдиримга ёзилган бўлганимдан шукроналар айтаман. Шайх ҳазратлари мамлакатимизда Фиқҳ академияси бўлишини орзу қилардилар. Раҳбаримизнинг қарорлари билан Халқаро Ислом академияси фаолият кўрсата бошлади. Ҳар иккала шариф зотнинг яна бир фазилатлари бор эдики, улар жуда ҳам кўп бева бечораларга ёрдам қўлини чўзган эдилар, сахий ва олижаноб эдилар.

Ислом цивилизацияси марказига Бобохоновлар сулоласининг ҳозирги авлоди Зиёвуддинхон ҳазратларининг шахсий кутубхоналари ва архивларини беғараз ҳадя қилди. Шайх ҳазратларининг фарзандлари эса, ул зот қаламига мансуб асарлар билан кутубхонамизни бойитиб бормоқдалар. Ўзларини ҳам, элимизни ҳам оламга машҳур қилиб кетган ҳар икки зоти шарифларимизни Аллоҳ раҳмат қилсин, қилган хайрли ишлари учун мукофотлар ато этсин!

Шоазим Миноваров